



**Малика НОСИРОВА,**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
«Мумтоз шарқ адабиёти ва  
манбашунослик» кафедраси муdiri,  
филология фанлари номзоди

## АНДАЛУЗИЯДА АРАБ ТИЛШУНОСЛИГИ

Умавий халифа ал-Валид ибн Абдулмалик ҳукмронлиги даврида Мағриб давлатларининг фотиҳи саркарда Мусо ибн Насир ўз ёрдамчиси, мавлоси Ториқ ибн Зиёдни 93/711 йили мусулмонлардан иборат етти минг кишилиқ қўшин билан Андалузия мамлакатини фатҳ этишга юборади. Қўшиннинг аксарияти барбарлардан иборат эди. Мусулмонлар ва готлар бир неча қақшатқич жангларга дуч келадилар. Охир-оқибатда мусулмонлар ғалаба қилиб, Испанияда мусулмон давлати ўрнатилади. Бу давлат тарихда «Мусулмон Испанияси» ёки «Кордова халифалиги» номи билан етти аср (711 – 1492 йй.) давом этади.

713 йили араблар ярим оролнинг деярли барчасини тинч йўл билан эгаллаб бўлган эдилар. Бунинг боиси бу ерда ҳукмронлик қилаётган 80 минг герман келгиндиларининг ҳокимияти мустаҳкам эмас эди. Улар маҳаллий аҳолини талар, ўғирлик қилар, ўзларини қароқчилардек тутар эдилар. Ўзаро доим нифоқда бўлган вестготлар Андалузиянинг 6 миллионлик фуқаросидан узилган эди. Араблар уларни осонлик билан мағлуб қилганлар.

Араблар христиан ва яҳудийлардан иборат маҳаллий аҳолининг диний қарашларини ҳурмат қилганлар ва ўз динларида қолишга рухсат берганлар. Айнан шундай диний бағрикенглик маҳаллий аҳолининг ислом динини қабул қилишига сабаб бўлган.

Андалузияни араб наҳви билан «ишғол қилиш» араб Машриқ давлатларига қараганда кечроқ бошланган. Бунинг икки сабаби бор:

1. Араб наҳвининг бешиги бўлган Ироқ билан Андалузия орасидаги масофа.

2. Арабларнинг диққат-эътибори Андалузияга киришгандан сўнг мамлакатни фаранги (яъни европалар) ва уларга эргашганлардан тозалаш, ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, асосларини мустаҳкамлаш, мамлакат султонларини бўйсундиришга қаратилган. Буларнинг барчаси маданият ва илм-фан йўлида қилинган қатъият, жаҳд ва шижоатдан аввал бўлган.

Умавий халифалар Андалузияда ўз ҳукмронликларини ўрнатиш, давлатлари устунларини мустаҳкамлаш, ярим оролдаги диний қарашларни ўзгартириш йўлида тинмаганлар.

Худди Шарқ давлатларида Аббосий халифалар олиб боргани каби Умавий халифалар Испанияда мусулмон давлатининг довуғини таратадиган амаллар, хусусан, олимларнинг илм талабида қилган ижтиҳодлари, ўқитиш, таълим-тарбия, асарларни таълиф ва тасниф қилиш ишларига мукофот ва рағбатлар тайинлаганлар.

Андалузия аҳолиси Сурия ва Мисрда, яъни Дамашқ, Бағдод ва Қоҳирада нима-лар бўлаётганини яхши билишар, ислом дунёсидаги илм-фан ютуқлари, жумла-

дан, Ибн Сино, Беруний, Форобийнинг асарлари билан таниш эдилар. Андалузияда маданиятнинг тез суръатларда ривожланиши араблар, барбарлар ва маҳаллий аҳолининг барча гуруҳлари – муваллад, мустаъраб, яҳудийлар, иберларнинг авлодлари, готлар ва юнонлар – ижод аҳлининг биргаликдаги ҳаракатлари маҳсули, натижаси эди. Улар бир бўлиб Яқин Шарқда XII асрдан бошланган ва Дамашқ билан Бағдодда маданият таназзулга қараб кетаётган бир даврда ўзларининг гуллаб-яшнаган бетакрор маданиятини яратишга ҳиссаларини кўшганлар.

Мамлакатда Қуръони каримни, унинг қироатини, пайғамбаримиз суннатлари, ривоятлари билан, ислом фикҳи, унинг мазҳаб ва аҳкомларини ўрганиш, Қуръони каримни тушунтириш учун тилшунослик илмларига эътибор қаратилди. Пайғамбар ҳадисларидаги саҳиҳ ривоятларни билиш, ислом фикҳи, унинг аҳкомлари, муаммоларини ўрганиш, тушуниш билан тўғри динда тўхташ керак бўлган.

Худди Миср ёки Марказий Осиёдаги аналогик ҳолат Андалузияда ҳам такрорланган. Бу ерда ҳам диний уламолар биринчи тилшунослар бўлганлар. Улар:

Абу Мусо Ҳаворий – фикҳ, қироат, луғат аҳлидан бўлган. Абдурахмон ибн Муовия халифалиги даврининг бошида Машриқ давлатларига сафар қилган. Имом Молик ибн Анас, Асмий, Абу Зайд Ансорий билан учрашган ва уларнинг қарашлари билан танишган. Машриқдан қайтгач, Кордовага келганида Имом Молик мазҳабининг икки фақиҳи Ийсо ибн Динор ва Саъид ибн Ҳисон билан учрашади. Араб илмларининг барчасини ўрганишга киришади. Араблар билан мувалладлар ўртасида низо чиқади: мувалладлар араб имомининг кетидан намоз ўқишни хоҳламайдилар. Улар султонга арз қилишади, шунда вазирлар улардан «Абу Мусо Ҳаворий сизларга имомлик қилса розимисизлар?» – деб сўрашади. Икки томон ҳам бунга розилик билдиради. Бу воқеа қишлоқларнинг бирида содир бўлган ва Абу Мусо

Ҳаворий ҳар жума куни ўша қишлоққа бориб имомлик қилган. Умрининг охирларида қишлоққа қатнаш оғирлик қилгач, ўша жойдан уй сотиб олган ва сўнгги кунларигача шу ерда яшаган. Абу Мусо Ҳаворий қироатга, Қуръон тафсирига бағишлаб китоб ёзган. Унинг ибодати илмидан устунлик қилган.

Жудий ибн Усмон – Машриқ давлатларига сафар қилиб, Кисой, ал-Фарро ва Риёшийлар билан учрашган, улардан наҳв ва луғат, яъни тилшунослик илмидан сабоқ олган; Кисой наҳв китобидан ривоят қилган. Жудий Машриқдан қайтиб келиб Кордовада яшаган ва у Андалузия давлатига биринчи бўлиб наҳвни олиб кирган инсон ҳисобланади. Кордовада наҳв, луғатшунослик ва адабиётдан дарс бера бошлаган. Жуда кўп кишилар ундан илм олганлар. Жудий Андалузиянинг биринчи тилшуноси бўлган. У Куфа мактаби йўналишида наҳвга оид «منبه الحجاره» номли китоб ёзган. Жудий 198/ 813 йил Кордовада вафот этган.

Муҳаммадибн Исмоил Ҳамдун Наҳвий ал-Мағрибий (ваф. 200/ 815 й.) – араб наҳви ва нодир сўзларининг билимдонни бўлиб етишган. У Сибавайҳи-нинг «ал-Китоб» асарини ёд олган биринчи одам. Табиийки, «ал-Китоб» ўша даврда Мағрибда бўлган. Аммо бу китобни ким биринчи бўлиб Мағрибга олиб келгани аниқ эмас. Муҳаммад Ҳамдун грамматикага оид асар ёзган.

Андалузияга биринчи бўлиб Қуръон қироатини ўрганиб қайтган киши – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бўлади. У Мисрга бориб «Вараш» номи билан машҳур бўлган Усмон ибн Саъид Мисрийдан ўрганган ва Қуръон бўйича олим бўлиб етишган. Абдуллоҳ ал-Аҳдаб эса Кордова мактабларида таълим ва тарбия ишлари билан шуғулланган, унинг илмидан кўплаб талабалар ва тўғаракларда илм олувчилар баҳраманд бўлганлар. Ал-Аҳдаб 209/824 йил вафот этган. Саввор ибн Торик эса наҳв, луғат ва адаб аҳлидан бўлган. Халифа Ҳишом ибн Абдурахмон ибн Муовия уни ўз боласига тарбиячи қилиб тайинлаган. Шимр ибн Нумайр араб илмлари ва луғат аҳлидан бўлган.

Кордова масжидларида дарс берган. Машрикқа сафар қилган ва ҳадис аҳли билан учрашган. Ўз илмини оширган. Бу инсонларнинг барчаси Андалузияда араб илмларини кенг ёйиш ва тарқатиш йўлида хизмат қилган биринчи табақа вакиллари бўлишган.

Иккинчи табақа вакилларида Абу Хуршан Абдуллоҳ ибн Рафиъ – наҳв, луғат ва адаб илмида олим бўлган. Хасиб Калбий – наҳв ва луғат аҳлидан бўлган. Наҳвга оид асар ёзган. Абдуллоҳ ибн Ғозий ибн Қайс (ваф. 230/ 844 й.) – араб илмларининг йирик олими бўлган ва шеърятни яхши билган. Абдуллоҳ ибн Саввор ибн Ториқ (ваф. 275/888 й.) Машрикқа сафар қилган. У ерда Риёший, Абу Ҳотим Сижжистоний билан учрашган, ал-Ҳасан ибн Арафада дарс тинглаган. Илм ва луғат аҳлидан бўлган. Бакр ибн Ийсо Каноний – фасоҳат соҳиби, машҳур шоир, тил ва луғат илмида олим бўлган.

Аббос ибн Насиҳ (ваф. 230/844 й.) – Мисрга отаси билан сафар қилган, Ҳижозда араб тилини ўрганишга иккиланиб, Ироққа борган, у ерда Асморий ва бошқа наҳвшунослар билан учрашган, ал-Ҳасан Аби Нуввос билан ундаги энг яхши асарларни ўқиган. Сўнгра Андалузияга қайтиб келган, аввал Шазуна вилоятига, кейин Шазунадан шарқда жойлашган, Кордовага яқин бўлган вилоятга ҳоким этиб тайинланган. Аббос ибн Насиҳ олим ва ўз даврида Кордованинг энг машҳур шоири бўлиб етишган.

«Ар-Рашшош» номи билан машҳур бўлган Абу Усмон Саъид ибн ал-Фараж кучли хотира эгаси бўлган. У шеър ва ривоят айтишга уста бўлиб, 4000 араб уржусаси (шеъри)ни ёд билган. Ҳаж сафаридан сўнг Бағдодга кирган. У ерда ҳадис ва фикҳдан ривоят қилган. Бир муддат Мисрда яшаган, илмларини ошириб ватанига қайтган.

Абду-л-малик ибн Ҳабиб – иккинчи давр тилшуносларининг ёрқин вакили ҳисобланади. У фикҳ, ҳадис, тилшунослик, луғатшунослик ва адабиёт назариясига оид илмларни ўзида бирлаштир-

ган. Абду-л-малик наҳв, луғат ва ҳадисга оид асарлар тасниф қилган. Улар:

1) ал-Вадиҳа; 2) Иъраб ал-Қуръан;

3) Ғариб ал-ҳадис; 4) Тафсир ал-мавтаи;

5) Табақат ал-фуқаҳа ва бошқалар. Абду-л-малик ибн Ҳабиб 239/853 йил 64 ёшида вафот этган.

Андалузияда аста-секин шаклланиб келаётган араб тилшунослиги билан шуғулланиш анъанасига кўра олимларни даврларга ажратганда қуйидаги тилшунослар учинчи давр вакиллари гуруҳига киритилади. Улар: Ҳаршан ибн Аби Ҳаршан – араб илмларида олим бўлган, Аҳмад ибн Наъим Силмий – Жайён ва Тулайтила, яъни Толедо шаҳарларидаги илм талабгорларига таълим-тарбия берган. Усмон ибн Мусанний (293/905 йили 99 ёшида вафот этган) – наҳв ва маоний илмини Машрикқа бориб ўрганган. Аҳмад ибн Батрий – фақиҳ, наҳвшунос ва луғатшунос олим бўлган. Абу Молик Жобир ибн Фиёс Лабалий (ваф. 299/911 й.) нинг ўзи ва акаси Абдурахмон араб тили ва шеърятни бўйича машҳур олим бўлган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Қуртубий – Мисрга сафар қилган ва у ерда «Вараш» номи билан машҳур бўлган Усмон ибн Саъидда Қуръон ўқишни ўрганган. Қуръони карим ва араб илмларида олим бўлиб етишган.

Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ғозий (ваф. 296/908 й.) – дастлаб Кордовада отасидан илм олади, кейин эса Басрага бориб Ҳотим Сижжистоний ва Риёшийдан наҳв ва луғат илмини, маоний ва баён илми олимларидан шеър ва ахборлар ривоятини тинглайди. Андалузияга жуда кўп илмларни ўрганиб қайтади. Андалузия аҳли машойихлари ундан машҳур шеърларни ривоят қилганлар. Абдуллоҳ ибн Ғозий ҳаж қилиш ниятида Андалузиядан чиқади, йўл оғирлик қилиб Танжа деган жойда тўхтайди. Ўша ерда вафотига қадар туриб қолади.

Абу Абдуллоҳ ибн Абдусалом Хашаний (ваф. 286/899 й.) – асли Жайёндан, аммо Кордовага бориб ўша ерда муқим яшаб қолган. Машрикқа сафар қилган,

Байтуллоҳ зиёратидан кейин Басрага борган. Бир муддат у ерда яшаб, Мозиний, Абу Ҳотим Сижжистоний, Риёший ва Аббос ибн ал-Фараж билан учрашган, улардан тилга оид кўплаб китоблар олган. Асмоий ва бошқалардан ривоят қилган. Шунингдек, Абу Муса аз-Заман, Убайда, Юсуф ибн Аддий ва бошқалардан иборат жамоада ҳадис тинглаган. Сўнгра Бағдодга борган. У ерда ҳам олимлар билан учрашган. Шундан кейингина Андалузияга саҳиҳ ҳадислар, араб тили ва жоҳилият даври шеърларига оид жуда кўп китоблар билан қайтган. Хашанийнинг ҳадисни шарҳлаган китоби ва турли илмларга оид ажойиб асарлари бўлган. Зубайдий «Табақоту ан-наҳвиййин» китобида у ҳақида шундай ёзган: «Хашаний фасоҳатли ва араб каломларини яхши билувчи олим эди».

Аббос ибн Фарсон ибн Вардос – адаб илмларида йўлбошчи, ақл-заковат эгаси, фасоҳат соҳиби, латиф асарлар муаллифи бўлган. Шеърлари улардан устунлик қилган. Халил ибн Аҳмаднинг «Аруз» китобини кўп муталаа қилган. Аббос ибн Фарсон мусиқа билан шуғулланган, уд чалиб кўшиқ куйлаган.

X асрда Андалузияда шаклланган араб тилшунослиги мактаби вакиллари-

нинг навбатдаги тўртинчи табақасига қуйидаги олимлар киради:

Абу Муҳаммад Бакр ибн Хатиб Муродий – араб наҳвига оид китоб ёзган, Абу ал-Ҳасан Муфарраж ибн Молик Куфа мактабининг йўлбошчиси Кисоийнинг асарини шарҳлаган, ўқувчиларни тарбиялашда, шогирдлар етиштиришда машҳур бўлган.

Язид ибн Талҳа – Севилья аҳлидан бўлиб, Хатиб Калбий, Хашаний, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳозийлардан илм ўрганган, араб тили ва луғатшунослиги бўйича буюк устоз бўлиб етишган. Балоғат илмларида шу қадар билимдон бўлганидан унинг исмига «ал-Фасиҳ», яъни «фасоҳатли» сўзини қўшиб айтишган. Олимлар ўзаро келиша олмай қолган муаммоли саволларга Язид ибн Талҳага мурожаат қилиб жавоб олишган.

Абу Солиҳ Айюб ибн Сулаймон Маофирий (ваф. 302/914 й.) – асли Жайён аҳлидан. Моликий мазҳабида фатво берадиган имом бўлган. Наҳв илмида йўлбошчи, шеърят, аруз ва балоғат илмида машҳур бўлган.

Тоҳир ибн Абдулазиз (ваф. 305/917 й.) – Кордова аҳлидан. Машрик ва Яманга сафар қилган ва у ердаги олимлардан



илм ўрганган. Андалузияда Хашаний, Ибн Мухаллад ва бошқаларда ўз билимини оширган. Оқибатда араб тили ва луғатшунослиги, ҳадис ва фикҳда олим даражасига етишган.

Андалузия араб тилшунослиги мактабининг бешинчи табақаси вакиллари рўйхатини Уқайр ибн Масъуд (ваф. 317/929 й.) бошлаб беради. У луғатшунос бўлган ва насаблар илми билан ҳам шуғулланган. Абу Амр Мусо ибн Азҳар (ваф. 306/918й.) – луғатшунослик, эъроб, шеърят, тафсир ва ғариб ҳадислар имоми бўлган. Ибн Маофий – араб илмларининг билимдони ва шеърятининг ровийси эди. Абу Абдуллоҳ ибн Яҳё ибн Зикриё – араб илмларида пешқадам ва араб тилини ҳимоя қилувчи фидоий инсон, шеърлари Бағдодда ҳам машҳур бўлган шоир эди.

«Ал-Ҳаким» номи билан машҳур бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил (ваф. 331/ 942й.) – Муҳаммад ибн Вадих, Усмон ибн Абдусалом Хашаний ва бошқалардан илм олган, Муҳаммад ибн Ғозийдан эса машҳур шеърлар ривоятини ўрганган. Зубайдийнинг ёзишича, араб илмларида тенгсиз ва шу билан бирга ҳисоб, мантиқ илмини яхши билган. Кучли хотирага ва кўп сонли адиб, ёзувчи ва шоирлардан иборат жамоага эга бўлган.

Ал-Афушнийқ – Муҳаммад ибн Мусо Ҳишом ибн Зайд – Андалузия амири Ал-Мунзир ибн Муҳаммад ибн Абдурахмоннинг мавлоси бўлган. Машриққа илм истагида сафар қилган, Мисрда Абу Жаъфар Диноварий билан учрашган ва унда мавжуд бўлган Сивавайҳининг «ал-Китоб» асаридан нусха кўчирган. Кўпчилик «ал-Китоб»ни Андалузияга ал-Афушнийқ биринчи бўлиб олиб келган деган фикрда. Шунингдек, Иброҳим ибн Жамил Андалузийдан Ибн Қутайбанинг китобини олган. Бағдодда Мозинийдан ривоятлар тўплаган. Қайсарийда Амр ибн Саврдан Фарёбийнинг муснадини тинглаган. Ал-Афушнийқ ўзининг тил ва адабга оид фойдали китобларини мерос қилиб қолдирган. Улар: «Шаваҳиду-л-ҳукм» ва «Та-

бақату-л-китаб». Ал-Афушнийқ 307/919й. Кордовада вафот этган.

Ибн Афбас – Аҳмад ибн Башр ибн Муҳаммад ибн Исмоил Тужибий «Ал-Афбас» номи билан машҳур бўлган. У Хашаний, Ибн Ғозий ва Тоҳир ибн Абдулазизлардан илм ўрганган. Қуръон, ҳадис, тафсир илмини мукаммал эгаллаган, шофеъий мазҳабида фатво берган, араб тили ва унинг лаҳжаларини яхши билган, ҳусни хат (чиройли ёзув) эгаси бўлган. У 326/937 йил вафот этган.

Собит ибн Абдулазиз ва унинг ўғли Қосим Машриқ давлатларига сафар қилганлар, ҳадис ва луғат аҳли билан учрашганлар ва улардан сабоқ олиб илмларини мукаммал қилганлар. Ота-бола Андалузияга Халил ибн Аҳмаднинг «Китабу-л-айн» луғатини олиб келган биринчи кишилар эди. Улар ҳақида замондошлари: «Фазилатлар соҳиби, ҳудожўй ва ибодатда собит инсонлар», – дейишарди. Қосим ибн Собит ҳадислар шарҳига бағишланган «ад-Далаил» номли китоб ёзган, бироқ у ниҳоясига етмасдан вафот этган. Китобни унинг отаси Собит ибн Абдулазиз тугатган. Ибн Қалий бу китоб ҳақида шундай деган: «Андалузияда Собит ибн Абдулазизнинг мазкур китобидан мукаммал ҳадис шарҳига оид асар кўрмаганман. Хашаний ва Абдулмалик ибн Ҳабибнинг ҳадислар шарҳига оид китобларини кўрганман, мутолаа қилганман, бироқ «ад-Далаил»да мавжуд ҳадисларни у ерда учратмадим».

Шунингдек, бешинчи табақа вакиллари рўйхатидан амиралмўминин Абдурахмон ан-Носир саройида тарбиячи бўлиб ишлаган Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Арқам, Ал-Ахфаш китобининг бобларини тартибга келтирган машҳур тилшунос Зайд ибн ар-Рабиъ ибн Сулаймон Ҳажарий, Мустансир Биллаҳ ҳукмронлиги даврида (1036 – 1094) тарбиячи бўлиб хизмат қилган наҳшунос ва арузшунос олим Абу ал-Валид Ҳишом ал-Ғофиқий (ваф. 317/929 й.), Ал-Мунзир ибн Абдурахмон ва арабларнинг нодир каломларини моҳирлик билан ишлата оладиган Ибн Ҳажжож жой олганлар.

Андалузия тилшунослик мактабининг олтинчи табақа вакиллари рўйхатини Мунзир ибн Саъид бошлаб беради. Абу-л-ҳаким Мунзир ибн Саъид Булутий Машрик давлатларига сафар қилиб, тилшунослар ва фикҳ олимларидан иборат жамоа билан учрашган, «Ал-ишраф фи ихтилаф ал-улама» асарини ахтариб топиб, уни ўрганган ва сўзлаб берган. Шунингдек, Халил ибн Аҳмаднинг «Китабу-л-айн» луғатини ҳам ўрганиб, Мисрда Абу ал-Аббос ибн Виладга айтиб берган. Андалузияга қайтгач, Кордовадаги жамоани бошқарган. Умрининг охиригача қозилик қилган. Абу-л-ҳаким Мунзир хуш кўринишли, гўзал хулқли киши бўлиб, фикҳда Довуд Исфажоний билан ҳамфикр бўлган ва бу унинг мазҳабига таъсир қилган. Мунзир ибн Саъид бир қанча Қуръон илмлари ва фикҳга оид китоблар таълиф қилган. Мазҳаблар аҳлига жавоб тариқасида «Аҳкаму-л-Қуръан» ва «ан-Насих ва-л-мансукх» асарларини ёзган. Шунингдек, фасоҳатли хитоблар, намунавий мактублар ва гўзал ашъорлар битган. Мунзир ибн Саъиднинг илми, табиатан ҳозиржавоб эканлиги ва баланд овозга эгалиги замонасининг машҳур воизи бўлишига сабаб бўлган. Гўзал бадихалар муаллифи Мунзир ибн Саъид 349/960 йил 47 ёшида оламдан ўтган.

Юсуф Булутий – Абу Умар Юсуф ибн Муҳаммад (ваф. 334/945 й.) Кордова аҳлидан бўлиб, Тоҳир ибн Абдулазиз, Қосим ибн Асбағ, Аҳмад ибн Бишр ибн ал-Ағбасдан илм ўрганган. Андалузияда араб тилининг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Аъраж – Абу Умар Аҳмад ибн Муҳаммад (ваф. 345/956 й.) аввал ҳадис ва фикҳни ўрганган, сўнг-ра наҳв илмини ўрганишни бошлаган ва охир-оқибатда наҳв илмига қизиқиши кучлилик қилган.

Аҳмад ибн Юсуф – Абу Умар ибн Юсуф (ваф. 336/947й.) Сибавайҳининг китобини банд бўлса ҳам, бўш бўлса ҳам, бетоб бўлганда ҳам, соғлом вақтида ҳам қўлидан қўймайдиган энг билимдон тилшунослар бўлиб, аруз илмини чуқур билади-

ган, адаб илмида назариётчи, доврўғи элга таралган шоир ва мусиқа илмига катта ҳисса қўшган санъатшунос эди.

«Маофирий» номи билан машҳур бўлган Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Убайдуллоҳ Зубайдий (ваф. 362/972 й.) – Севилья аҳлидан бўлиб, ҳадис, араб тили ва тилшунослиги бўйича олим ва машҳур шоир бўлган.

Муҳаммад ибн Яҳё Раббаҳий Андалузий (ваф. 358/968 й.) асли Жайёндан бўлиб, наҳв илмида шуҳрат қозонган эди. Мисрга сафар қилиб, Абу Жаъфар ан-Наххос билан учрашган ва унда Сибавайҳининг китобини ўқиган, Аллон, Назиру-л-жайш, Ибн Вилад ва бошқалар билан кўришган. Араб тили ва тилшунослигида билимларини ошириб, Кордовага қайтади ва ўз ҳовлисида одамларга дарс бера бошлайди. У ерда Сибавайҳининг китоби ўқилиб шарҳланар, жума кунлари эса баҳс-мунозара ўтказилар эди. Муҳаммад ибн Яҳё виқорли, адолатли, саҳий, яхши ниятли, соғлом одам эди. У ҳақида замондошлари: «Илми ўзидан устунлик қиладиган араб тилининг билимдони ва нозик, дақиқ фикрлар эгаси, фақиҳ, катта имом, маоний илмида латиф маслакки, қиёсда моҳир, содиқ, солиҳ, закий ва машҳур шоир эди», – деб ёзганлар.

Умавийлар Андалузияда ҳам илм-фанга катта эътибор бериб, илм аҳлига ҳурмат кўрсатганлар. Уламоларни масъулиятли вазифаларга, мансабларга тайинлаганлар. Улар ўз вазифаларини ақл ва адолат билан бажарган. Бу эса ўз навбатида мамлакатнинг, халифаликнинг гуллаб-яшнашига олиб келган. Араблар фатҳидан сўнг Андалузияда ўрнатилган тинчлик, барқарорлик, эркинлик кишиларга илм-фан билан шуғулланиб, маърифатни кенг ёйиш имконини берди. Мактаб ва мадрасаларда таълим-тарбия ишлари йўлга қўйилди, олимлар, шу жумладан тилшунослар ҳам илм толибларини ўз билимларидан баҳраманд қилганлар. Бу даврда Андалузияда куртак ота бошлаган араб тили ва тилшунослиги ривожланиш палласига кирган эди.